



“ОЛТИНГУГУРТ ВА УНИНГ БИРИКМАЛАРИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН Фойдаланиш

Д. М. Тиллаева

Бухоро давлат университети Ўқитувчи

Н. Хайриева

Бухоро давлат университети 2-курс талабаси

Аннотация: Мақолада “Олтингурут ва унинг бирикмалари” мавзуси таълим беришнинг технологик харитаси, блиц сўрови ва Венн диаграммалари орқали ёритилган.

Ключевые слова: Олтингурут, технологик харита, блиц сўрови, Венн диаграммаси.

Кимё фани соҳаси табиат ҳодисаларининг сабаби, унинг қонунларини англайдиган ва уларни жамиятнинг амалий ҳаётида, фанда, техника ва ишлаб чиқаришда қўллай оладиган фанлар мажмуасининг аҳамиятли соҳаларидан биридир. Олий таълим муассасаларида ўқитиладиган ноорганик кимё фани назария ва амалиётнинг янги ютуқлари билан хабардор бўлиш билан бирга, кенг фан-техника дунёқарашига эга бўлган юқори малакали кадрлар ва изланувчилар тайёрлашда катта аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, Биринчи Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек: “Фаннинг вазифаси келажакимизнинг шакли-шамойилини яратиб бериш, эртанги кунимизнинг йўналишларини табиий қонуниятларини, унинг қандай бўлишини кўрсатиб беришдан иборат, фан жамият тараққиётини олға силжитувчи куч, восита бўлмоғи лозим”. [1]

Бугунги кунда дарсларни инновацион таълим технологиялари асосида ташкил этиш ва улардан дарс жараёнида унумли фойдаланиш, талабаларга ўтилатган мавзу бўйича билимларни етказишда таҳлилий маълумотларни кўرғазмали тақдим этиш усуллари ва воситалари асосий рол ўйнайди. Дарс жараёнида мавзуни таҳлил қилиш, моддалар ва ҳодисаларни таҳлил қилиб ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Таълим муассасаларида инновацион педагогик технологиялар ва ўқитишнинг замонавий техник воситаларини қўлланилиши кадрлар сифатига салмоқли таъсир кўрсатади. Инновацион педагогик технологияларни ривожланиши эса бевосита ахборот технологиялари ривожига, улардан таълим берувчилар ва олувчиларнинг фойдалана билиш даражасига боғлиқдир.



Таълим бериш технологиясининг харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1-босқич. Мавзуга кириш (5 дақиқа)	1.1. Дарс мавзуси ва шу мавзуга оид режалар, дарснинг мақсадини билан таништилади. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни, мустақил ишлаш учун адабиётлар роъйхатини айтади.	1.1. Ёзиб оладилар ва эшитадилар. 1.2. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.
2. Асосий босқич 2.1. 20 дақ 2.2. 40 дақ 2.3. 15, 75 дақ	2.1. Мавзунинг 1-2 режаси бўйича тушунтирилади. 2.2. Мавзунинг 1-3 режасига оид талабалар билими аниқланади. Талабалар билимларни аниқлаш мақсадида “Блиц сўров” (ёки “Ассимент”) методидан фойдаланади 2.3. Талабалар билан биргаликда мавзуга оид тажрибаларни бажаради (“Чархпалак” ёки “Ажурли арра”).	2.1. Тинглайдилар, ёзадилар. 2.2. Тинглайдилар, ёзадилар 2.3. Тажрибаларни бажарадилар. 2.4. Саволларга жавоб берадилар.
3. Яқуний босқич (5 дақиқа)	3.1. Мавзуни умумлаштиради ва умумий хулосалар ясайди, талабалар саволларига жавоб беради. Уйга вазифа қилиб “Венн диаграммаси” ни тўлдириш берилади. Мустақил ўқиш учун ва кейинги мавзу “Олтингугурт ва унинг бирикмалари” мавзуси календар режа асосида эълон қилади.	3.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.

“Блиц-сўров” методи

“Блиц-сўров” (инглизча “блиц” – тезкор, бир зумда) методи берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Унга кўра ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар моҳиятининг очиб берилишини талаб этадиган саволларни ишлаб чиқади ва талабаларнинг эътиборларига ҳавола этади. Талабалар берилган саволга қисқа муддатда, қисқа ва аниқ жавоб қайтара олишлари лозим. Гуруҳ ёки жуфтликда ишлашда бир нафар талаба берилган саволга жавоб қайтаради, унинг шериклари ёки гуруҳдошлари жавобни тўлдиришлари мумкин. Бироқ, фикрлар такрорланмаслиги лозим. Методни қўллашда мавзуга доир таянч тушунчалар, асосий ғояларнинг моҳияти талабалар томонидан оғзаки, ёзма ёки тасвир (жадвал, диаграмма) тарзида ёритилиши мумкин.



1-вариант:

№	Савол	Жавоб
1.	S нинг олиниш реакция тенгламаларини ёзинг	
2.	C концентрланган HNO_3 кислота эритмаси билан реакция тенгламасини ёзинг.	
3.	$\text{O}^{2-}\text{-S}^{+6}\text{-Se}^{+6}$ каторида чапдан ўнгга бирикмаларнинг барқарорлиги ва оксидловчилик хоссалари қандай ўзгаради.	
4	$\text{Cr}(\text{SO}_4)_3$ сульфатнинг гидролиз реакцияси тенгламасини молекуляр ва ионли ҳолда ёзинг.	

2-вариант:

№	Савол	Жавоб
1.	H_2S нинг олиниш реакция тенгламаларини ёзинг	
2.	Дихромат кислота тузлари кислотали муҳитда қандай хоссани намоён қилади?	
3.	Олтингугутнинг ишлатилиши.	
4	Al_2S_3 нинг гидролиз реакцияси тенгламасини молекуляр ва ионли ҳолда ёзинг.	

3-вариант:

№	Савол	Жавоб
1.	H_2SO_4 нинг олиниш реакция тенгламаларини ёзинг	
2.	Ишқорий муҳитда хром (III) гидроксиди кучли оксидловчилар таъсирида нима ҳосил қилади?	
3.	Олтингугутнинг бирикмалари нима мақсадда ишлатилади?	
4	S ни конц. H_2SO_4 билан реакция тенгламасини ёзинг.	

“Венн диаграммаси” график органейзери

Методнинг мақсади: Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиш, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гуруҳ аъзоларини таништириладилар;



- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқиладиган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.[6,7]

Венн диаграммаси:



Хулоса қилиб айтганда, ўқитувчи ва талабанинг мақсадидан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда ўқитувчи талаба-ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитига қараб ишлатиладиган технология танланади, масалан, натижага эришиш учун компьютер билан ишлаш лозимдир, балки фильм, тарқатма материал, чизма ва плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологияси керак бўлар, булар ўқитувчи ва талаба-ўқувчиларга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятни шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. – Тошкент.: Ўзбекистон, Т.19., 2011. -364 б.
2. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодимизни барқарор ривожлантириш йўлида. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2008. Т.16. -366б.
3. Парпиев Н.А., Рахимов Х.Р., Муфтахов А.Г. Анорганмик кимё (назарий асослари). - Тошкент, “Ўзбекистон”, 2000. 479 б.
4. Парпиев Н.А., Муфтахов А.Г., Рахимов Х.Р. Анорганмик кимё. - Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003. 504 б.



5. H.R. To‘xtayev, R.Aristanbekov, K.A. Cho‘lponov, S.N. Aminov. Anorganik kimyo (“Farmasiya” -5720500- bakalavriyat ta’lim yo‘nalishi uchun darslik // O‘zR Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi. - T.: “Noshir”, 2011. 520 b.
6. О.Д.Рахимов, О.М.Турғунов, Қ.О.Мустафаев, Ҳ.Ж.Рўзиев. Замонавий таълим технологиялари//Тошкент-2012
7. М.Миркомилова. Аналитик кимё//Тошкент-2001